

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

НУРИЛЛАЕВ МУЗАФФАР ЭШНАЗАРОВИЧ

ЯДРОЛИ ҲАҚИҚИЙ W^* -ФАКТОРЛАРНИ СИНФЛАШ

**01.01.01 – Математик анализ
(физика-математика фанлари)**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2019

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical-mathematical sciences**

Нуриллаев Музаффар Эшназарович

Ядроли ҳақиқий W^* -факторларни синфлаш3

Нуриллаев Музаффар Эшназарович

Классификация ядерных вещественных W^* -факторов.17

Nurillaev Muzaffar Eshnazarovich

Classification of nuclear real W^* -factors.31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works34

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА МАТЕМАТИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

НУРИЛЛАЕВ МУЗАФФАР ЭШНАЗАРОВИЧ

ЯДРОЛИ ҲАҚИҚИЙ W^* -ФАКТОРЛАРНИ СИНФЛАШ

01.01.01 – Математик анализ

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2019

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/FM6 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (<http://ik-fizmat.nuu.uz/>) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рахимов Абдугафур Абдумаджидович
физика-математика фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Ганихужаев Расул Набиевич
физика-математика фанлари доктори, профессор
Кудайбергенов Каримберген Кадирбергенович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Математика институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А. Садуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор,
академик

Ғ.И. Ботиров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

В.И. Чилин

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда математик физиканинг динамик системаларини ва квант-механикасини, хусусан, операторлар алгебралари назариясини ўрганишга келтирилади. Квант-механиканинг кузатилаётган ҳар бир физик системасига Гильберт фазосида таъсир қилувчи ўз-ўзига қўшма оператор, шунингдек, қаралаётган системанинг ҳар бир ҳолатига эса, бу операторлар алгебрасининг зичлик матрицаси мос келиши маълум. Шундай қилиб, операторлар алгебралари хусусан, C^* ва W^* -алгебралари квант-механикаси ва динамик системаларнинг математик модели бўлиб, бунда олинган ҳар бир натижа квант-механикасида ўз талқинига эга бўлганлиги сабабли, операторлар алгебралари ҳам назарий, ҳам тадбиқий жиҳатдан аҳамиятли ва замонавий математиканинг долзарб йўналишларидан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жаҳонда техника ва табиатдаги жараёнлар динамик системалар орқали моделлаштирилиб, уларнинг кўпчилиги амалий жиҳатдан муҳим хусусиятларга эга. Бундай хусусиятлар ичида операторлар алгебраларининг инъективлик, гиперфинитлик, ядролик хоссаларини ўрганиш динамик системалар учун долзарб масалалардан ҳисобланади. Олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари динамик системаларнинг хусусан, операторлар алгебраларининг ушбу хоссалари ўзаро эквивалент эканлигини назарий жиҳатдан тасдиқлайди. Ҳозирги кунгача бу алгебраларнинг инъективлик, гиперфинитлик хоссалари яхши ўрганилган. Динамик системаларнинг ядролик хусусиятини тадқиқ қилиш, жумладан, ядроли ҳақиқий ва комплекс C^* ва W^* -алгебраларни синфлаш, бу алгебралар учун ядролик хоссаси инъективлик ва гиперфинитлик хоссалари билан ўзаро муносабатларини топиш динамик системалар ва квант-механикасининг мақсадли илмий тадқиқодлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиққа эга бўлган долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилмоқда. Шу нуқтаи назардан, математик физика ва квант-механикасидаги масалаларни математик моделлаштиришда асосий объект ҳисобланган, операторлар алгебралари назариясининг ривожланишига эътибор янада кучайтирилди. Ҳозирги кунда C^* -алгебралар учун инъективлик, гиперфинитлик ва ядролик, аменабеллик хоссаларининг ривожланишига доир салмоқли натижаларга эришилди. «Функционал анализ, математик физика ва статистик физика» фанларининг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди¹. Қарорнинг ижросини таъминлашда ядроли ва инъектив комплекс, ҳамда ҳақиқий C^* ва W^* -алгебралари назариясини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 292-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ядроли C^* -алгебралар, хусусан, ядроли W^* -алгебралар етарлича ўрганилган. А. Конн, Э. Штермер, В. Хаагеруп, С. Вассерман, Э. Эфрос, С. Попа, С. Ланс ва М.Чойларнинг ишларида W^* -алгебралар ва факторлар ($B(H)$ дан ташқари) учун ядролик, инъективлик, гиперфинитлик, ярим дискретлик ва аменабеллик тушунчаларининг эквивалент эканлиги исботланган.

Ҳақиқий факторлар учун инъективлик, гиперфинитлик, ярим дискретлик ва аменабеллик тушунчалари Ш.Усмонов, А.Рахимов ва Б.Байкабилов ишларида етарлича тадқиқ қилинган. Бироқ, шу вақтгача ядроли алгебра тушунчаси ҳақиқий ҳолда ўрганилмаган. Бундан ташқари, юқорида кўрсатилган ишларда инъективлик тушунчаси Хакеда-Томияма маъносида қаралган, яъни инъективлик деганда $\|P\|=1$, $P(\mathbf{1})=\mathbf{1}$ шартларни қаноатлантирувчи $P: B(H) \rightarrow R$ проекциянинг мавжудлигини тушунилган. C^* -алгебралар учун инъективликнинг умумийроқ таърифи «морфизмларни давом эттириш» маъносида берилган, лекин бу таъриф шу вақтгача етарлича ўрганилмаган. Ҳақиқий W^* -алгебралар учун инъективлик ва ядролик тушунчалари ўртасидаги муносабатни тадқиқ қилиш қизиқарли масала ҳисобланади.

Инъектив бўлмаган ҳолларда W^* -алгебраларни ўрганиш (изоморфизм маъносида) етарлича қийинчилик туғдиради, хусусан, ўзаро изоморф бўлмаган континуум қувватли инъектив бўлмаган II_1 типли факторлар оиласи мавжуддир. Шунинг учун ҳам W^* -алгебраларнинг максимал инъектив W^* -қисмалгебралари ва қисмфакторларини тадқиқ қилиш қизиқарлидир. Бундан ташқари, максимал инъектив W^* -қисмалгебралар ва қисмфакторларни тадқиқ қилиш бикоммутант ҳақидаги теорема билан боғлиқдир. Комплекс ҳолда ушбу тушунчалар С.Попа, Л.Ге, Р.Кадисон, Ж.Фанг, Ж.Шэн, С.Стратела, Л.Жидо ишларида ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Математика институти илмий-тадқиқот ишлари режасидаги ФА-Ф1- Ф03 ТФ067 «Квант динамик кўп заррали системалар, операторлар алгебраларида ноассоциатив ва топологик структурлар» (2007-

2011 йиллар.) ва Тошкент автомобил йўллари институти илмий-тадқиқот ишлари режасидаги Ф-4-51 «Функционал фазоларда Йордан учли системалари ва структуравий анализдаги тақсимот эҳтимолликлари», (2012-2016 йиллар) фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ҳақиқий S^* -алгебраларнинг ядроли ва инъективлик хоссаларини шунингдек, ҳақиқий W^* -алгебранинг максимал инъектив W^* -қисмалгебралари ва қисмфакторларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чекли ўлчамли ва Абел ҳақиқий S^* -алгебраларнинг ядроли эканликларини исботлаш;

қамровчи S^* -алгебранинг ядролиги билан ҳақиқий S^* -алгебранинг ядролиги орасидаги боғланишни ва ҳақиқий S^* -алгебралар учун ядролик ва инъективлик тушунчалари ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиш;

алгебра инъективлигининг иккита таърифининг ўзаро эквивалент эканлигини исботлаш, яъни инъективликнинг «морфизмларни давом эттириш» маъносидаги ва Хакеда-Томияма маъносидаги таърифлари устма-уст тушишини кўрсатиш;

ҳақиқий W^* -алгебранинг ҳақиқий максимал инъектив W^* -қисмалгебралари ва қисмфакторларини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Гильберт фазосида аниқланган чизиқли чегараланган операторлар, ҳақиқий ва комплекс S^* ва W^* -алгебралардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети Гильберт фазосида аниқланган чегараланган операторлар алгебрасидаги ядроли ва инъектив S^* ва W^* -алгебралардан иборатдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида функционал анализ, математик анализ ва операторлар алгебралари назариясининг «қамровчи алгебрага ўтиш методи» усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

чекли ўлчамли ва Абел ҳақиқий S^* -алгебраларнинг ядроли эканлиги шунингдек, ҳақиқий S^* -алгебра ядроли бўлиши учун унинг қамровчисининг ядроли бўлиши зарур ва етарли эканлиги кўрсатилган;

ҳақиқий W^* -алгебралар учун ядролик ва инъективлик тушунчалари ўзаро эквивалент эканлиги аниқланган;

алгебра инъективлигининг иккита таърифининг ўзаро эквивалент эканлиги кўрсатилган, яъни инъективликнинг «морфизмларни давом эттириш» маъносидаги ва Хакеда-Томияма маъносидаги таърифлари устма-уст тушиши исботланган;

инъектив ҳақиқий қисмфакторнинг қамровчи фактори максимал инъектив бўлса, бу ҳақиқий қисмфакторнинг ўзи ҳам максимал инъектив бўлиши кўрсатилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ядроли ва инъектив ҳақиқий S^* -алгебраларнинг тузилишидан квант механикаси ва математик физикада вужудга келадиган квант зарралари ҳолати-

ни аниқлашга доир масалаларни ечишда фойдаланилган;

ҳақиқий W^* -алгебраларнинг инъективлигига оид натижалардан Каплан алгебралари учун дифференциаллашларни таснифлашда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги функционал анализ ва операторлар алгебралари назарияси усулларида ҳамда математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳақиқий W^* -алгебралар учун ядролик ва инъективлик хоссалари ўртасида эквивалентлик ўрнатилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ядроли ва инъектив ҳақиқий C^* -алгебралар бўйича олинган натижалар квант статистик механикаси ва квант динамик системасидаги баъзи муаммоларни ҳал қилишда амалий асос бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ядроли ва инъектив ҳақиқий C^* -алгебраларга оид олинган натижалар асосида:

ҳақиқий W^* -факторлар учун ядролик натижаларидан PPP/USG-0216/FST/30/15316 рақамли «Чизиқли бўлмаган интеграл тенгламаларни ечишда Нютон-Канторович методи» номли грант лойиҳасида чизиқли бўлмаган интеграл тенгламаларнинг ечимларини таснифлашда фойдаланилган (Малайзия Ислом университети, Малайзия 2018 йил 27 ноябрдаги маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши бу каби тенгламалар ечимларининг кўринишини ядроли операторлар бўлган ҳолда топиш имконини берган.

ҳақиқий W^* -алгебралар учун инъективлик натижаларидан OT-4-27 рақамли «Йордан учликлари олдқўшма фазолари, сиғимлари фазолари тавсифлари ва функцияларни голоморф давом эттириш» номли грант лойиҳасида матрицавий алгебралар ва Каплан алгебралари учун 2-локал дифференциаллашларининг оддий дифференциаллашлар билан устма-уст тушушини кўрсатишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 январдаги №89-03-231 сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши бу алгебралар учун локал дифференциаллашлар ва автоморфизмлари орасидаги муносабатни ўрнатиш имконини берган;

ҳақиқий W^* -алгебраларнинг тензор кўпайтмасининг қамровчиси улар қамровчиларининг тензор кўпайтмасига тенглигидан Ф–4–09 рақамли «Ноассоциатив алгебралар ва Банах модулларининг структуравий (тузилиш) назарияси ва дискрет динамик системалар» номли грант лойиҳасида Банах модуллари, ассоциатив ва ноассоциатив Йордан алгебраларини таснифлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 16 январдаги №89-03-231 сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши баъзи ассоциатив ва ноассоциатив йордан алгебраларини, хусусан JW -алгебраларини инъектив ҳолда синфлантириш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий ва 2 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 85 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ядроли ҳақиқий C^* -алгебралар**» деб номланувчи биринчи боби учта параграфдан иборат. Биринчи параграфда асосий тушунчалар, таърифлар ва диссертация тадқиқоти жараёнида комплекс, ҳақиқий C^* ва W^* -алгебраларга доир натижаларни олишда қўлланилган маълум натижалар келтирилган.

Фараз қилайлик, A – комплекс сонлар майдони устидаги банах $*$ -алгебраси бўлсин. Агар A алгебранинг ихтиёрий $a \in A$ учун, $\|aa^*\| = \|a\|^2$ тенглик ўринли бўлса, у ҳолда A ни C^* -алгебра дейилади. Агар A алгебранинг барча $a, b \in A$ учун $ab = ba$ бўлса, у ҳолда бундай алгебрага *абел* алгебраси дейилади.

Агар C^* -алгебра M учун шундай Банах фазоси M_* мавжуд бўлиб, $(M_*)^* = M$ тенглик ўринли бўлса, у ҳолда M ни W^* -алгебра ва M_* фазони эса M учун *олдқўшма фазо* дейилади. $M \subset B(H)$ – $*$ -қисмалгебра бўлсин. $M' = \{a \in B(H) : ba = ab, \forall b \in M\}$ қисм тўпламга M алгебранинг *коммутанти* дейилади. Равшанки, $M \subset M'' = M^{(iv)} = M^{(vi)} = \dots$ ва $M' = M''' = M^{(v)} = \dots$, муносабатлар ўринлидир, бунда $M'' = (M')'$. Агар M алгебра учун $M = M''$, тенглик ўринли бўлса, у ҳолда бундай алгебрага *фон Нейман алгебраси* дейилади. $M \subset B(H)$ – W^* -алгебра бўлсин. M нинг элементларидан олинган ва қолган барча элементлари билан коммутативлик хоссаси ўринли

бўладиган қисмига, M нинг *маркази* дейилади ва у $Z(M)$ каби белгиланади. Равшанки, $Z(M) = M \cap M'$. $Z(M)$ нинг элементларига *марказий элементлар* дейилади. Агар M алгебранинг марказий элементлари фақатгина $\lambda \cdot \mathbf{1}$, $\lambda \in \mathbb{C}$ кўринишида бўлса, у ҳолда M га *фактор* дейилади. Фон Нейман томонидан қурилган ёйиш назарияси кўп ҳолларда ихтиёрий Фон Нейман алгебралари ҳақидаги масалаларни уларга мос келувчи факторлардаги масалаларга келтиришга имкон беради. R ҳақиқий Банах $*$ -алгебрасидаги нормани унинг комплексификацияси бўлган $A = R + iR$ гача шундай давом эттириш мумкин бўлсаки, натижада A (комплекс) C^* -алгебра бўлса, у ҳолда R ни ҳақиқий C^* -алгебра дейилади. Маълумки, R ҳақиқий Банах $*$ -алгебраси ҳақиқий C^* -алгебра бўлиши учун, R нинг эрмит алгебра ва ихтиёрий $a \in R$ учун $\|aa^*\| = \|a\|^2$ бўлиши зарур ва етарли. R нинг эрмитлиги шуни англатадики, ихтиёрий $a = a^*$ элемент учун унинг спектри $\sigma(a)$ – ҳақиқий, яъни $\sigma(a) \subset \mathbb{R}$. Бундан ташқари, R нинг эрмитлиги ихтиёрий $a \in R$ учун $1 + aa^*$ элементнинг тескариланувчанлигига эквивалент. Фараз қилайлик, $(H, \langle \cdot, \cdot \rangle)$ – комплекс гильберт фазо ва $R \subset B(H)$ ҳақиқий $*$ -қисм-алгебра бўлсин. Айтайлик, $\langle \xi, \eta \rangle_r = \operatorname{Re}(\langle \xi, \eta \rangle)$, $\xi, \eta \in H$. У ҳолда, кўрсатиш мумкинки, $H_r = (H, \langle \cdot, \cdot \rangle_r)$ – ҳақиқий Гильберт фазо ва $H_r + iH_r = H$, $R \subset B(H_r) \subset B(H_r) + iB(H_r) = B(H)$. R ҳақиқий $*$ -алгебранинг коммутанти комплекс ҳолдагига ўхшаш тарзда аниқланади, яъни $R' = \{a \in B(H_r) : ba = ab, \forall b \in R\}$. Тўғридан-тўғри текшириш мумкинки, $*$ -қисмалгебра $R + iR \subset B(H)$ нинг коммутанти учун $(R + iR)' = R' + iR'$ тенглик ўринли. Комплекс ҳолдагидек, ҳақиқий $*$ -қисмалгебра $R \subset B(H_r)$ нинг коммутанти учун қуйидагилар ўринли:

$$R \subset R'' = R^{(iv)} = R^{(vi)} = \dots \text{ ва } R' = R''' = R^{(v)} = \dots$$

Агар R алгебра учун $R = R''$ тенглик ўринли бўлса, у ҳолда бундай алгебрага *ҳақиқий фон Нейман алгебра* дейилади. R – ҳақиқий C^* -алгебра бўлсин. У ҳолда, юқорида айтилганидек, $R + iR$ (комплекс) C^* -алгебра бўлади. Равшанки, $R + iR$ алгебра R ни ўз ичига олувчи энг кичик C^* -алгебралар. Агар R ҳақиқий C^* -алгебра берилганда $R + iR$ алгебра (комплекс) W^* -алгебра бўлса, у ҳолда R ни *ҳақиқий W^* -алгебра* деб аталади. R ни ўз ичига олувчи энг кичик W^* -алгебрага, R алгебранинг *қамровчиси* дейилади ва у $U(R)$ кўринишида белгиланади. Равшанки, $U(R) = R + iR$.

1.2 параграфда ҳақиқий C^* -алгебраларнинг тензор кўпайтмаларининг хоссалари ўрганилган бўлиб, хусусан, ҳақиқий W^* -алгебраларнинг тензор кўпайтмалари ва уларнинг қамровчиларининг тензор кўпайтмалари орасидаги боғлиқлик ўрнатилган.

Теорема 1. Фараз қилайлик, R ва Q – ҳақиқий W^* -алгебралар, $U(R)$ ва $U(Q)$ – мос равишда, уларнинг қамровчилари бўлсин. У ҳолда, $U(R \overline{\otimes} Q) = U(R) \overline{\otimes} U(Q)$, яъни $(R + iR) \overline{\otimes} (Q + iQ) = R \overline{\otimes} Q + i(R \overline{\otimes} Q)$ бўлади.

1.3 параграфда ядроли ҳақиқий C^* -алгебраларнинг хоссалари ўрганилган.

Таъриф 1. Агар R ҳақиқий C^* -алгебра учун, ихтиёрий ҳақиқий C^* -алгебра Q ни олмайлик, $R \otimes Q$ алгебраик тензор кўпайтмада ягона C^* -норма мавжуд бўлса, R ни ядроли дейилади.

Теорема 2. Агар F – ҳақиқий сонлар майдони ёки кватернион сонлар жисми бўлса (яъни, $F = \mathbb{R}$ ёки $F = \mathbf{H}$), у ҳолда $M_n(F)$ ҳақиқий C^* -алгебра, F устидаги $n \times n$ ўлчамли ядроли ҳақиқий алгебра бўлади, яъни ихтиёрий ҳақиқий C^* -алгебра R учун $M_n(F) \otimes R$ алгебраик тензор кўпайтмада ягона C^* -норма мавжуд. Бунда, $M_n(F) \otimes R \cong M_m(R)$, ($m \leq n$).

Теорема 3. Барча чекли ўлчамли ҳақиқий C^* -алгебралар ядролидир.

Теорема 4. Барча Абел ҳақиқий C^* -алгебралар ядролидир.

Шуни таъкидлаймизки, R ҳақиқий W^* -алгебра учун, ихтиёрий ҳақиқий C^* -алгебра Q олинганда ҳам $R \otimes Q$ – алгебраик тензор кўпайтмада ягона C^* -норма мавжуд бўлса, R алгебра ядроли дейилади.

Теорема 5. Агар R ҳақиқий W^* -алгебранинг қамровчиси ядроли бўлса, у ҳолда R нинг ўзи ҳам ядролир.

Диссертациянинг «**Иньектив ҳақиқий C^* -алгебралар**» деб номланувчи иккинчи боби учта параграфдан иборат.

2.1 параграфда H_r – ҳақиқий гильберт фазосида таъсир этувчи барча чизиқли чегараланган операторлар алгебраси $B(H_r)$ нинг инъективлик хоссаси ўрганилган.

Фараз қилайлик, A – C^* -алгебра бўлсин. A нинг устидаги $n \times n$ ўлчамли матрицавий алгебрани $M_n(A)$ орқали белгилайлик, бу эса матрицалар устидаги одатий алгебраик амалларга нисбатан C^* -алгебра бўлади. Элемент $a \in A$, учун шундай ўзига-ўзи кўшма $b \in A$ элемент мавжуд бўлиб, $a = b^2$ тенглик ўринли бўлса, у ҳолда a ни *мусбат элемент* дейилади ва у $a \geq 0$ каби белгиланади. A нинг барча мусбат элементлар тўпламини A^+ орқали белгилайлик. Агар A ва B – C^* -алгебралар ўртасидаги $\varphi: A \rightarrow B$ акслантириш берилганда, барча $a \in A^+$ учун $\varphi(a) \in B^+$ бўлса, у ҳолда бундай φ акслантиришга *мусбат акслантириш* дейилади. Мусбат чизиқли акслантириш $\varphi: A \rightarrow B$ берилганда, $\varphi_n((a_{i,j})_{i,j=1}^n) = (\varphi(a_{i,j}))_{i,j=1}^n$ тенглик билан аниқланувчи $\varphi_n: M_n(A) \rightarrow M_n(B)$ акслантириш барча n лар учун мусбат бўлса, у ҳолда бундай φ акслантиришни *тўла мусбат акслантириш* дейилади. A алгебра берилганда, агар ихтиёрий B – бирлик элементли (комплекс) C^* -алгебрани ва унинг бирлик элементни сақловчи ҳар бир ўзига кўшма қисм фазо $S \subset B$ олинганда ҳам, барча тўла мусбат чизиқли $\varphi: S \rightarrow A$ акслантиришни, тўла мусбат чизиқли $\overline{\varphi}: B \rightarrow A$ акслантиришгача давом эттириш мумкин бўлса, бундай A алгебрани *инъектив алгебра* дейилади.

Юқорида келтирилган барча тушунчалар ҳақиқий ҳолда, комплекс ҳол-

дагидек таърифланади.

Теорема 6. H_r – ҳақиқий Гильберт фазоси бўлсин. U ҳолда, $B(H_r)$ ҳақиқий W^* -алгебра инъектив бўлади.

2.2 параграфда ҳақиқий W^* -алгебралар учун инъективлик хоссаси ва E -хоссаси (давом эттириш хоссаси) орасидаги муносабат ўрганилган.

$M \subset B(H)$ – инъектив W^* -алгебра бўлсин. Маълумки, инъектив W^* -алгебра E -хоссага эга, яъни $\|P\|=1$ ва $P(\mathbf{1})=\mathbf{1}$ шартларни қаноатлантирувчи $P: B(H) \rightarrow M$ проекция мавжуд ва P тўла мусбат бўлади.

Тасдиқ 1. $R \subset B(H)$ – ҳақиқий W^* -алгебра бўлсин. $\|P\|=1$ ва $P(\mathbf{1})=\mathbf{1}$ шартларни қаноатлантирувчи $P: B(H) \rightarrow R$ проекция тўла мусбатдир.

Теорема 7. $R \subset B(H)$ – ҳақиқий W^* -алгебра бўлсин. R алгебра инъектив бўлиши учун $\|P\|=1$ ва $P(\mathbf{1})=\mathbf{1}$ шартларни қаноатлантирувчи $P: B(H) \rightarrow R$ проекциянинг мавжуд бўлиши зарур ва етарли.

Теорема 8. $R \subset B(H_r) \subset B(H)$ ҳақиқий W^* -алгебра $B(H_r)$ га нисбатан E -хоссага эга бўлиши учун R алгебра $B(H)$ га нисбатан E -хоссага эга бўлиши зарур ва етарли.

Куйдаги теорема ҳақиқий W^* -алгебранинг инъективлик хоссаси билан унинг қамровчисининг инъективлик хоссаси орасидаги муносабатни кўрсатади.

Теорема 9. Ҳақиқий W^* -алгебранинг инъектив бўлиши учун, унинг қамровчисининг инъектив бўлиши зарур ва етарли.

Натижа 1. Ҳақиқий W^* -алгебранинг E -хоссага эга бўлиши учун унинг қамровчиси E -хоссага эга бўлиши зарур ва етарли.

Йордан алгебралари учун инъективлик тушунчасини қарайлик. $J\mathcal{C}$ -алгебра – бу H даги барча чизикли чегараланган ўз-ўзига қўшма операторлар Йордан алгебраси $B(H)_{s.a.}$ нинг текис ёпиқ Йордан қисм-алгебрасидир. Агар $M \subset B(H)_{s.a.}$ $J\mathcal{C}$ -алгебра ёпиқ бўлса, у ҳолда бундай алгебрага JW -алгебра дейилади. R – ҳақиқий W^* -алгебра бўлсин, у ҳолда $R_s = \{x \in R : x^* = x\}$ қисм фазо, Йордан кўпайтмаси $a \circ b = (ab + ba) / 2$ га нисбатан JW -алгебра бўлади.

JW -алгебра (ёки $J\mathcal{C}$ -алгебра) R_s алгебра учун, ихтиёрий $B \subset C$ – C^* -алгебралар ва ихтиёрий $\varphi: B_s \rightarrow R_s$ морфизм олинганда ҳам, шундай $\bar{\varphi}: C_s \rightarrow R_s$ морфизм мавжуд бўлиб, $\bar{\varphi}|_{B_s} = \varphi$ тенглик бажарилса, R_s алгебра инъектив алгебра дейилади. C^* -алгебралар ўртасидаги морфизм деганда, бирлик элементларни сақловчи тўла мусбат чизикли акслантиришни тушунамиз.

Теорема 10. Агар R_s JW -алгебра E -хоссага эга бўлса, яъни $\|P\|=1$ ва $P(\mathbf{1})=\mathbf{1}$ шартларни қаноатлантирувчи $P: B(H) \rightarrow R_s$ проекция мавжуд бўлса, у ҳолда R_s алгебра инъектив бўлади.

Теорема 11. Ҳақиқий W^* -алгебра R нинг E -хоссага эга бўлиши учун, R_s

JW -алгебранинг E -хоссага эга бўлиши зарур ва етарли.

Натижа 2. R – ҳақиқий W^* -алгебра бўлсин. U ҳолда қуйидагилар ўринли:

1) R , JW -алгебра E -хоссага эга бўлиши учун, R ҳақиқий W^* -алгебранинг қамровчиси $R + iR$ нинг E -хоссага эга бўлиши зарур ва етарли;

2) R , JW -алгебра инъектив бўлиши учун, R ҳақиқий W^* -алгебранинг қопламаси $R + iR$ нинг инъектив бўлиши зарур ва етарли.

2.3 параграфда ҳақиқий C^* -алгебралар учун инъективлик ва ядролик хоссалари орасидаги муносабат ўрганилган.

Тасдиқ 2. H_r – ҳақиқий Гильберт фазоси ва $R \subset B(H_r)$ – ядроли ҳақиқий C^* -алгебра бўлсин. U ҳолда, $\|P\| = 1$ ва $P(\mathbf{1}) = \mathbf{1}$ шартларни қаноатлантирувчи $P: B(H_r) \rightarrow R'$ проекция мавжуд, яъни R' алгебра E -хоссага эга.

Теорема 12. Агар R – ҳақиқий C^* -алгебра ядроли бўлса, U ҳолда ҳақиқий W^* -алгебра R^* инъектив бўлади, бу ерда R^* фазо R нинг иккинчи қўшма фазоси.

Теорема 13. R – ҳақиқий C^* -алгебра бўлсин. Агар R^* – ҳақиқий W^* -алгебра E -хоссага эга бўлса, U ҳолда R ядролidir.

Натижа 3. R – ҳақиқий C^* -алгебра ядроли бўлиши учун ҳақиқий W^* -алгебра R^* нинг инъектив бўлиши зарур ва етарли.

Теорема 14. R – ҳақиқий C^* -алгебра ядроли бўлиши учун C^* -алгебра $R + iR$ нинг ядроли бўлиши зарур ва етарли.

Натижа 4. Ҳақиқий W^* -алгебралар учун инъективлик ва ядролик хоссалари устма-уст тушади.

Диссертациянинг «**Максимал инъектив ҳақиқий W^* -қисмалгебралар**» деб номланувчи учинчи боби ҳақиқий W^* -алгебраларнинг максимал инъектив ҳақиқий W^* -қисмалгебраларини ва қисмфакторларини ўрганишга бағишланган. Инъектив бўлмаган W^* -алгебраларни ўрганиш (изоморфизм аниқлигида) етарлича қийин чунки, инъектив бўлмаган континуумта ўзаро изоморф бўлмаган Π_1 типли факторлар мавжуд. Шу сабабли, максимал инъектив W^* -қисмалгебраларни ва қисмфакторларни ўрганиш долзарб. Фараз қилайлик, $*$ -қисмалгебра $M \subset B(H)$ ва W^* -алгебра N берилган бўлиб, $M \subset N \subset B(H)$, ($N \neq B(H)$) шартни қаноатлантирсин. U ҳолда, $M'_N \subset M'_{B(H)}$ ўринли. Таъкидлаш жоизки, умумий ҳолда $M''_N \not\subset M''_{B(H)}$ ва $M''_{B(H)} \not\subset M''_N$ бўлиши мумкин. Яъни, M – $*$ -қисмалгебра учун, N W^* -алгебрага нисбатан олинган бикоммутант ҳақидаги теорема ўринли эмас. Шунинг учун ҳам, M – келтирилмайдиган W^* -қисмалгебраларни, яъни $M' \cap N = \mathbb{C}\mathbf{1}$ ўрганиш қизиқарли, бунда M алгебранинг W^* -алгебра N га нисбатан олинган бикоммутанти максимал тарзда кенгроқ бўлади. Бошқа томондан, келтирилмайдиган W^* -қисмалгебраларни ўрганишда аниқландики, агар $M \subset N$ – факторлар ва M нинг N да максимал Абел W^* -қисмалгебра бўладиган W^* -қисмалгебраси мавжуд бўлса, U ҳолда M – келтирилмайдиган алгебра бўлади.

Р.Кадисон томонидан куйидаги масала қўйилган: агар $M - N$ факторнинг келтирилмайдиган қисмфактори бўлса, у ҳолда M нинг N да максимал Абел W^* -қисмалгебра бўладиган W^* -қисмалгебраси B мавжудми? Бу муаммо 1981 йилда С.Попа томонидан хусусий ҳолда ечилган. Р.Кадисонда куйидаги фараз бўлган: факторнинг барча сепарабел Абел W^* -қисмалгебралари гиперфинитли қисмфакторнинг ичида жойлашади. Лекин, С.Попа 1983 йилда Кадисоннинг бу фаразининг нотўғри эканлигини исботлади. Дастлаб, Мюррей ва фон Нейманлар ихтиёрий сепарабел Π_1 типли фактор максимал инъектив W^* -қисмалгебра бўладиган гиперфинитли қисмфакторни ўз ичига олади деган фаразни илгари суришган. Бу фаразнинг тўғрилиги 1983 йилда Сорин Попа томонидан исботланган, лекин бу муаммо сепарабеллик шартисиз Ж.Фанг томонидан ечилган. Шунингдек, инъектив W^* -қисмалгебранинг максималлиги ва гиперфинитли қисмфакторнинг максималлиги бир-бирига боғлиқ эмас, яъни бири бошқасидан келиб чиқмайди.

Бошқа томондан, инъектив W^* -қисмалгебранинг максималлиги унинг келтирилмайдиган қисмалгебралиги билан боғлиқ.

Айнан, Ж.Фанг кўрсатганки, $M - N$ факторнинг максимал гиперфинитли қисмфактори бўлса, у ҳолда $M -$ максимал инъектив W^* -қисмалгебра бўлиши учун, $M -$ келтирилмайдиган, яъни $M' \cap N = \mathbb{C}1$ бўлиши зарур ва етарли. Шундай қилиб, инъектив W^* -қисмалгебранинг максималлиги унинг келтирилмайдиган қисмалгебралиги билан боғлиқ, бу эса ўз навбатида бикоммутант ҳақидаги теорема билан боғлиқ.

3.1 параграфда кўрсатилганки, агар қамровчи W^* -қисмалгебра максимал инъектив бўлса, у ҳолда бу ҳақиқий W^* -қисмалгебранинг ўзи ҳам максимал инъектив бўлади.

Теорема 15. $Q -$ ҳақиқий W^* -алгебра R нинг W^* -қисмалгебраси бўлсин. Агар $Q + iQ$ алгебра $R + iR$ алгебрада максимал инъектив W^* -қисмалгебра бўлса, у ҳолда Q алгебра R алгебрада максимал инъектив қисмалгебра бўлади.

Куйидаги теорема ҳақиқий факторлар учун Мюррей ва фон Нейман муаммосининг ечимини ифодаловчи Ж.Фанг теоремасининг муқобилидир.

Теорема 16. $R -$ ҳақиқий фактор ва $Q - R$ нинг максимал инъектив ҳақиқий қисмфактори бўлсин. $Q - R$ нинг максимал инъектив ҳақиқий W^* -қисмалгебраси бўлиши учун, $Q - R$ да келтирилмайдиган, яъни $Q' \cap R = \mathbb{R}1$ бўлиши зарур ва етарли.

3.2 параграфда ҳақиқий W^* -қисмалгебраларнинг тензор кўпайтмаларидаги максимал инъектив ҳақиқий W^* -қисмалгебраларнинг хоссалари ўрганилган.

Куйидаги теорема «ажратиш ҳақидаги теорема» деб номланувчи Ге-Кадисон теоремасининг муқобилидир.

Теорема 17. Агар $R_1 -$ чекли ҳақиқий фактор, $R_2 -$ чекли ҳақиқий W^* -алгебра ва $R - R_1 \overline{\otimes} \mathbb{R}1$ ни сақловчи $R_1 \overline{\otimes} R_2$ нинг ҳақиқий W^* -қисмалгебраси

бўлса, у ҳолда шундай ҳақиқий W^* -қисмалгебра $Q_2 \subset R_2$ мавжудки,
 $R = R_1 \overline{\otimes} Q_2$.

Лемма 3. R – Абел ҳақиқий W^* -алгебра, Q – ҳақиқий W^* -алгебра ва F_2 – Q ни сақловчи минимал инъектив сепарабел ҳақиқий W^* -алгебра бўлсин. Агар $F = R \overline{\otimes} Q \subset F \subset R \overline{\otimes} F_2$ ни қаноатлантирувчи инъектив ҳақиқий W^* -алгебра бўлса, у ҳолда $F = R \overline{\otimes} F_2$ бўлади.

3.2 параграфнинг асосий теоремасини келтириб ўтайлик.

Теорема 18. R_1 – инъектив ҳақиқий W^* -алгебра ва R_2 – сепарабел ҳақиқий W^* -алгебра бўлсин. Агар $Q_2 \subset R_2$ да максимал инъектив ҳақиқий W^* -қисмалгебра бўлса, у ҳолда $R_1 \overline{\otimes} Q_2 \subset R_1 \overline{\otimes} R_2$ да максимал инъектив ҳақиқий W^* -қисмалгебра бўлади.

3.3 параграфда қуйдаги масала қаралган: агар R_1, R_2 – ҳақиқий W^* -алгебрлар, Q_1, Q_2 – уларнинг мос равишдаги максимал инъектив ҳақиқий W^* -қисмалгебралари бўлса, у ҳолда $Q_1 \overline{\otimes} Q_2$ тензор кўпайтма $R_1 \overline{\otimes} R_2$ тензор кўпайтмада максимал инъектив қисмалгебра бўладими?

Бу масала баъзи хусусий ҳоллар учун ечилган.

1-Ҳол. Q_1 – ҳақиқий фактор, R_1 – сепарабел бўлсин.

Теорема 19. $R_i (\subset B(H_i))$ – ҳақиқий W^* -алгебра, $Q_i \subset R_i$ нинг максимал инъектив ҳақиқий W^* -қисмалгебраси бўлсин. Агар R_1 – сепарабел ва Q_1 – ҳақиқий фактор бўлса, у ҳолда $Q_1 \overline{\otimes} Q_2 \subset R_1 \overline{\otimes} R_2$ нинг максимал инъектив ҳақиқий W^* -қисмалгебраси бўлади.

2-Ҳол. R_1 – сепарабел, Q_1 алгебранинг маркази атомли бўлсин. Эслатиш жоизки, ҳар бир нолдан фарқли проектри нолдан фарқли минимал проектор (атом) ни сақлаган, яъни ҳар бир нолдан фарқли проектор остида атоми мавжуд бўлган фон Нейман алгебрасига атомли алгебра дейилади.

Теорема 20. R_i – ҳақиқий W^* -алгебра ва $Q_i \subset R_i$ нинг максимал инъектив ҳақиқий W^* -қисмалгебраси бўлсин. Агар R_1 – сепарабел, Q_1 алгебранинг маркази атомли бўлса, у ҳолда $Q_1 \overline{\otimes} Q_2 \subset R_1 \overline{\otimes} R_2$ нинг максимал инъектив ҳақиқий W^* -қисмалгебраси бўлади.

3-Ҳол. $Q_i, R_i (i = 1, 2)$ – факторлар бўлсин.

Теорема 21. $R_i (\subset B(H_i))$ – ҳақиқий фактор ва $Q_i \subset R_i$ нинг максимал инъектив ҳақиқий қисмфактори бўлсин. Агар $Q'_i \cap R_1 \cong \mathbb{R}^N (1 \leq N \leq \infty)$ ва $Q'_2 \cap R_2 = \mathbb{R}1$, у ҳолда $Q_1 \overline{\otimes} Q_2 \subset R_1 \overline{\otimes} R_2$ нинг максимал инъектив ҳақиқий қисмфактори бўлади.

Натижа 5. R_i – ҳақиқий фактор ва $Q_i \subset R_i$ да келтирилмайдиган максимал инъектив ҳақиқий қисмфактор бўлсин. У ҳолда, $Q_1 \overline{\otimes} Q_2 \subset R_1 \overline{\otimes} R_2$ да келтирилмайдиган максимал инъектив ҳақиқий қисмфактор бўлади. Бундан

ташқари, 16-теоремага асосан, $Q_1 \overline{\otimes} Q_2 - R_1 \overline{\otimes} R_2$ да максимал инъектив ҳақиқий W^* -қисмалгебра бўлади.

ХУЛОСА

Диссертация иши ядроли ва инъектив ҳақиқий C^* -алгебраларни тадқиқ қилишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Чекли ўлчамли ва Абел ҳақиқий C^* -алгебраларнинг ядролиги исботланган.

2. Ҳақиқий C^* -алгебра ядроли бўлиши учун унинг қамровчисининг ядроли бўлиши зарур ва етарли эканлиги исботланган.

3. Инъективликнинг Хакеда-Томияма ва «морфизмларни давом эттириш» маъноларидаги таърифлари ҳақиқий W^* -алгебралар учун эквивалентлиги кўрсатилган.

4. Ҳақиқий W^* -алгебранинг максимал инъектив ҳақиқий W^* -қисмалгебралари ва қисмфакторлари ўрганилган. Шунингдек, агар ҳақиқий W^* -қисмалгебранинг қамровчиси максимал инъектив бўлса, бу ҳақиқий W^* -қисмалгебранинг ўзи ҳам максимал инъектив қисмалгебра бўлиши исботланган.

5. Ге-Кадисоннинг «ажратиш ҳақидаги теорема» деб номланувчи теоремасининг ҳақиқий W^* -алгебралар учун муқобили олинган.

6. R_1 – инъектив ҳақиқий W^* -алгебра ва R_2 – сепарабел ҳақиқий W^* -алгебра, $Q_2 - R_2$ нинг максимал инъектив ҳақиқий W^* -қисмалгебраси бўлса, $R_1 \overline{\otimes} Q_2$ тензор кўпайтма $R_1 \overline{\otimes} R_2$ нинг максимал инъектив ҳақиқий W^* -қисмалгебраси бўлиши исботланган.

7. R_1, R_2 – ҳақиқий W^* -алгебралар ва Q_1, Q_2 – уларнинг мос равишдаги максимал инъектив ҳақиқий W^* -қисмалгебралари учун $Q_1 \overline{\otimes} Q_2$ тензор кўпайтма $R_1 \overline{\otimes} R_2$ тензор кўпайтмада максимал инъектив қисмалгебра бўлиши R_1 – сепарабел ва Q_1 – ҳақиқий фактор, R_1 – сепарабел ва Q_1 алгебранинг маркази атомли, Q_i, R_i ($i=1,2$) – ҳақиқий факторлар бўлган ҳоллар учун исботланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.FM.01.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА, ИНСТИТУТЕ МАТЕМАТИКИ**

ИНСТИТУТ МАТЕМАТИКИ

НУРИЛЛАЕВ МУЗАФФАР ЭШНАЗАРОВИЧ

КЛАССИФИКАЦИЯ ЯДЕРНЫХ ВЕЩЕСТВЕННЫХ W^* -ФАКТОРОВ

01.01.01 – Математический анализ

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ-2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.1.PhD/FM6

Диссертация выполнена в институте Математики.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (<http://ik-fizmat@nuu.uz/>) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: **Рахимов Абдугафур Абдумаджидович**
доктор физико-математических наук

Официальные оппоненты: **Ганихужаев Расул Набиевич**
доктор физико-математических наук, профессор
Кудайбергенов Каримберген Кадирбергенович
доктор физико-математических наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.FM.01.01 при Национальном университете Узбекистана, института Математики. (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871)227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, e-mail: nauka@nuu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №____). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, 4. Тел.: (+99871) 246-02-24).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.
(протокол рассылки №_____ от «__» _____ 2019 года).

А.Садуллаев

Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., профессор, академик

Г.И. Ботиров

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученых степеней, к.ф.-м.н.

В.И.Чилин

Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Решения проблем, возникающих в результате научно-прикладных исследований на мировом уровне, очень часто сводятся к изучению динамических систем математической физики и квантовой механики, в частности теории операторных алгебр. Наблюдаемой данной физической системе в квантовой-механике соответствует линейный самосопряженный оператор, действующий в гильбертовом пространстве, а всякому состоянию рассматриваемой системы соответствует матрица плотности. Так как операторные алгебры, в частности комплексные и вещественные C^* и W^* -алгебры, являются математическими моделями квантовой механики и динамических систем, где каждый полученный результат имеет свое применение в квантовой механике, то операторные алгебры очень важны как в теоретическом, так и в практическом смысле и являются одним из актуальных направлений современной математики.

В настоящее время в мире процессы в технике и природе моделируются с помощью динамических систем, многие из которых имеют важные практические свойства. Среди них особое значение имеет изучение свойств инъективности, гиперфинитности и ядерности операторных алгебр, которые являются актуальной проблемой для динамических систем. Результаты исследования имеют теоретическое доказательство того, что эти свойства являются эквивалентными для динамических систем, в частности операторных алгебр. К настоящему времени свойства инъективности, гиперфинитности этих алгебр хорошо изучены. Исследование свойств ядерности динамических систем, классифицирование ядерных комплексных и вещественных C^* и W^* -алгебры и нахождение отношения между свойствами ядерности, инъективности и гиперфинитности являются одним из целевых исследований динамических систем в квантовой механике.

В нашей стране уделяется особое внимание актуальным направлениям в фундаментальных науках, которые имеют научное и практическое применение. В том числе особое внимание уделяется развитию теории операторных алгебр, являющейся основным объектом математического моделирования задач квантовой механики и математической физики. Значительные результаты были достигнуты в изучение свойств инъективности, гиперфинитности, ядерности, полудискретности и аменабельности для C^* -алгебр. Проведение научных исследований на международном уровне по таким важным направлениям, как функциональный анализ, математическая и статистическая физика, рассматривается в качестве основной задачи фундаментальных исследований¹. Развитие исследований ядерных и инъективных комплексных и вещественных C^* -алгебр играет важную роль в реализации указанного постановления.

¹ Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 18 мая 2017 года № 292 «О мерах по организации деятельности вновь созданных научно-исследовательских учреждений Академии наук Республики Узбекистан»

Исследование данной диссертации в определенной степени служит решению задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-2789 от 17 февраля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» и № УП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», а также в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной области.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

Степень изученности проблемы. Ядерные C^* -алгебры, в частности ядерные W^* -алгебры, достаточно хорошо изучены. Благодаря работам А.Конна, Э.Штермера, У.Хаагерупа, С.Вассермана, Э.Эфросса, С.Попа, С.Ланса и М.Чоя для W^* -алгебр, для факторов, за исключением $B(H)$, доказана эквивалентность таких понятий как ядерность, инъективность, гиперфинитность, полудискретность и аменабельность.

